

Ислом дунёси тарихидаги энг вахшиёна боскинчиликни мўғуллар қилишган. Ибн Асир айтади: «Бу мусибат шунчалик дахшатли эдики, бу ҳақда гапиришга узок вақт иккиланиб юрдим. Унга ўхшагани тарихда умуман бўлмаган. Одам алайхиссалом давридан то ҳозирги кунимизгача инсоният бунақасини асло кўрмаган. Яъжуж-Маъжуж босқинини истисно қилганда эҳтимол то қиёматгача бунга ўхшаши бўлмас ҳам. Босқинчилар ҳеч қимни аяб ўтиришмасди, хомиладор аёлларнинг қорнини ёриб ташлар, болаларни бачадонида ўлдирар эди. Бу умумжаҳон микёсидаги фожиа эди» («Ал-Комил»дан).

Мағлубият нималигини билмаган мўғуллар милодий 650 йили Бағдодга киришди ва шаҳарни харобага айлантиришди. Ибн Касир ёзади: «Бағдодда қирқ кун қирғинбарот бўлди, шундан кейин дунёдаги энг гўзал шаҳар ер билан яқсон қилинди. У ерда талмовсираб юрган бир тўда одамни кўриш мумкин эди. Жасақлар кўчаларни шунчалик тўлдиргандики, баландлиги хатто томларга етган эди. Мурдалардан қикқан хиддан нафас олишга имкон бўлмасди. Очлик, вабо ва ўлим бутун мамлакатни қўлга олганди». Мўғулларнинг голибона юришини Миср султони Сайфуддин Қутузгина тўхтата олди. Унинг вафотидан кейин вориси Бийбарс уларга қашатқич зарба бериб, бутун Сурияни озод қилди. Аммо мўғуллар ҳамон Ироқдан Эронгача бўлган улкан ҳудудда ҳукмронлик қилишарди. Такдирнинг қалтис «ҳазили»ни қарангки, ана шу ёввойиларга ўша пайтдаги жаҳон маданияти ва ҳазорасини бошқариш насиб этди. Мусулмонларнинг ақлий ва маданий салоҳиятига қаттиқ зарба берилди, улар бирор нарса қилишга ожиз эдилар. Гўё ҳамма нарсдан мосуво бўлинган бир паллада ажойиб мўъжизасини кўрсатиш учун Исломнинг рухий шавқати олдинга қикди. Мусулмон руҳонийлар ва сарой аъёнлари мўғул ҳукмдорлари орасида иш бошлаб юборишди, қолганини Ислом мафтунқорлигининг ўзи уқдалади. Аллоҳ таолонинг иродаси билан мусулмонларни мағлуб қилганларнинг ўзлари Исломга таслим бўлишди.

Ибн Касир ёзади: «Шу йили (694) тахтда Чингизхоннинг эвараси Қозонхон ўтирарди ва уни Амир Тавзун (рахималлоҳу таоло) Исломга қиритганди. У билан бирга барча мўғуллар мусулмон бўлишди. Султон Исломга қираётган қуни олтин, қумуш, зумрадлар садақа қилинди. Султон Маҳмуд исмини танлади ва жума намозига борди. Бағдод ва бошқа жойларда талаб олинган мулклар эгаларига қайтарилди ва одил судлов жорий қилинди. Одамлар мўғуллар қўлида тасбех кўриб, Аллоҳга ҳамдлар айтишди». (Абул Ҳасан Надавийнинг «Мусулмонларнинг Исломдан узоқлашувидан дунё нималарни йўқотди» китобидан).